

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ РИСКИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ

Ғ.Д.Дусмуратов

ТИМИ доценти, и.ф.н.

Ҳозирги вақтда қишлоқ ва сув хўжалиги техникалари лизинги тармоқни ривожлантиришнинг зарур йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки барча қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳам техникани кредитга ёки бозордан сотиб олиш имконияти йўқ. Қишлоқ ва сув хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги жуда юқори, бу йиғим-терим ва бошқа техникалардан фойдаланишда кескинликни юзага келтиради, унинг етишмаслиги етиштирилган ҳосилнинг сезиларли даражада нобуд бўлишига, қишлоқ хўжалиги ерлари сифати пасайишига сабаб бўлади. Лизинг янги техникани сотиб олиш ва унинг қийматини лизинг шартномасида белгиланган вақт даври давомида қоплаш имкониятини беради.

Лизинг шартларида қишлоқ ва сув хўжалиги техникаларини етказиб бериш ҳажмини режалаштиришда лизинг олувчининг тўлов қобилияти даражасини ҳисобга олиш зарур. Сабаби қишлоқ ва сув хўжалиги техникаси лизинги қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарини узоқ муддатли кредитлаш турларидан бири ҳисобланади. Лизинг олувчининг тўлов қобилияти даражасини баҳолашни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун техника етказиб беришни режалаштиришнинг бутун даврида ўтказиш зарур.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» ва «Ўзмелиомашлизинг» лизинг компанияларининг фаолият кўрсатиши учун товар ишлаб чиқарувчиларнинг тўлов қобилиятини ҳамда лизинг тўловларининг қайтарилиш rischi даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмасига кўра Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2015 йилда жами 165 та замонавий мелиорация техникаларини харид қилиш белгиланган бўлса, мазкур буюртма 100 фоиз миқдорда

бajarилди ва 2015 йил давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 34,6 млрд.сўмлик 165 та мелиорация техникалари харид қилинган бўлса, Компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 18,4 млрд.сўмлик 92 та мелиорация техникалари етказиб харид қилинган. Жами ҳисобда, Компания томонидан умумий қиймати 52,9 млрд.сўм миқдориди жами 257 та техникалар лизинг олувчиларга етказиб берилди. Бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 26,4 млрд. сўм ёки 150 фоизга кўп демакдир. Улар таркиби кўриладиган бўлса, жами, 60 та замонавий экскаваторлар, 13 та бульдозерлар, 15 та автокранлар ва 88 та бошқа тегишли техника ҳамда механизмлардир. 2015 йилда Давлат дастури асосида етказиб берилган техникалар қийматининг 85 фоизи - 31,5 млрд. сўм миқдориди Жамғарма томонидан тўлиқ молиялаштирилди¹ [1].

Умуман олганда Компаниянинг молиявий-иқтисодий фаолиятининг таҳлили ўтган даврларга нисбатан сезиларли даражада яхшиланган деб баҳоланиши мумкин. Компаниянинг бугунги кундаги лизинг операциялари бўйича активлари 251,6 млрд. сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 53,4 млрд.сўм ёки 127,0 фоизга кўп демакдир. 2015 йилнинг декабр ҳолатига лизинг портфелида жами лизингга берилган техникалар сони 1947 тани, портфелдаги умумий лизинг қиймати 312,7 млрд.сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 63,9 млрд. сўмга кўпайган ёки 125,0 фоизга ўсган. 2015 йил учун тўланиши лозим бўлган лизинг тўловлари 28,8 млрд. сўмни ташкил қилгани ҳолда, ўтган йиллардаги қолдиқ тўловлар ундирилиб, жами 29,1 млрд.сўм лизинг тўловлари тўланди. Бунда лизинг хизматидан олинган даромад 4,69 млрд.сўмни ташкил қилди [2].

Компанияда мавжуд техникаларнинг замонавийлиги ва фойдаланишда қулайликларни яратиш мақсадида барча мелиорация техникалари масофадан кузатувчи замонавий GPS қурилмалари билан таъминланди ва техникалар

¹ <http://www.uzmml.uz/index.php/uz/>
<http://www.uzmml.uz/media/2a7d323f-6c77-a00d-7dbf-815a1a175690.pdf>

харакати доимий назорати ўрнатилди. Лизинг тўловлари бўйича қарздорликларни сўндириш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят хокимликлари ва Ирригация тизими ҳавза бошқармаларига қилинган муурожаатлар натижасида ушбу мутасадди идоралар ёрдамида қарздорликларни қисқартирилишига эришилмоқда. Шунга қарамадан лизинг тўловларининг қайтарилиши долзарб бўлиб турмоқда.

Тўловларнинг қайтарилиш rischi деганда лизинг олувчи тўлов қобилиятсизлик даражасининг бошланиш эҳтимолини ҳисоб-китоб қилиш ва қишлоқ хўжалиги техникаси лизинги бўйича тўловларни олмаслик эҳтимоли тушунилади.

Лизинг олувчи ва лизинг берувчи rischi бир биридан сезиларли фарқ қилади. Лизинг берувчи молиявий риск қилади, лизинг олувчи эса – мулкый ва жавобгарлик riskини ўзига олади. Бу «Лизинг тўғрисида»ги Қонунда шартномалар асосида тартибга солиниши белгилаб қўйилган [3].

Лизинг тўловларининг қайтарилиш rischi даражасини баҳолашда лизинг олувчининг реал иқтисодий ҳолатини ва унинг режалаштирилган вақт даврига прогнозини ҳисобга олиш зарур. Риск даражасини баҳолашни ҳар бир потенциал лизинг олувчи учун алоҳида лизинг шартномаси даврига ўтказиш лозим. Товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий ҳолати омилларини ажратамиз:

- ✓ қишлоқ ва сув хўжалиги техникаси билан ишлаб чиқаришнинг таъминланганлиги;
- ✓ молиявий маблағлар билан таъминланганлик;
- ✓ лизинг бўйича техника олишда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши.

Риск даражасини баҳолаш натижаларига таяниб, лизинг берувчи унинг учун энг жозибадор лизинг етказиб беришни модернизациялаш лойиҳасини танлаши ва шартнома шартини ўзгартириш йўли билан тўловларни қайтаришнинг риск даражасини қисқартириш бўйича қўшимча тадбирларни назарда тутиши мумкин.

Риск даражаси кўпчилик ҳолларда етарлича аниқ баҳоланиши, бундан ташқари лизинг лойиҳаси даромадлилик миқдорини аниқланиши мумкин. Инвестиция лойиҳасининг риск даражасини баҳолашда асосий вазифа ҳисоб-китоб методикасини танлаш ҳисобланади. Математик эҳтимоллар назарияси ҳисоблаш учун инструмент ҳисобланади.

Хориж амалиётида капитал қўйиш рискинни миқдорий аниқлаш методлари учраб туради. Биз эҳтимоллар дарахтидан фойдаланишни таклиф этамиз. Мазкур метод инвестиция лойиҳасининг келгуси пул оқимлари эҳтимолини аниқ аниқлаш имконини беради. Агар капитал қўйишнинг биринчи даврида мақбул бўлса, у кейинги даврларда ҳам мақбул бўлади.

Инвестиция лойиҳаси риск даражасини ҳисоблаш қуйидаги тарзда ўтказилади: эҳтимоллар дарахтининг ҳар бир шохида объектнинг конкрет ҳолатга ўтиш эҳтимоли таққосланади, бундан объект ҳолатини тавсифловчи ўзгарувчиларнинг маълум даражага эришиш эҳтимолини аниқлаш мумкин. Бунда маълум омилларнинг объект умумий ҳолатига таъсир даражасини билиш зарур.

Риск даражасини баҳолашга мазкур ёндошув рискларни декомпозициялаш деб аталади ва инвестиция лойиҳалари портфели рисқи даражасини баҳолаш учун хорижда ҳам, мамлакатимизда ҳам кенг қўлланилади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» ва «Ўзмелиомашлизинг» лизинг компанияларига тўловларни қайтариш рискинни баҳолаш методикасини кўриб чиқамиз.

Тўловларни қайтариш рисқи даражасини баҳолашдан талабгор қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш ва қишлоқ хўжалиги корхонаси тўлов қобилияти ҳолати даражасини тавсифловчи меъзонларни аниқлаш лозим. Қишлоқ хўжалиги корхонаси тўлов қобилияти ҳолатини баҳолаш меъзони сифатида маҳсулот сотишдан олинган фойда миқдорини танлаш таклиф этилади, у корхонанинг тўлов қобилияти даражасини кўпроқ аниқ характерлайди.

Меъзон миқдори конкрет сценария учун ва лизинг шартномаси амал қилиш муддати даврига аниқланади. Мулоҳаза ва хулосаларнинг мақбуллигини ошириш мақсадида ҳамда кейинги ҳисоб-китобларни ўтказиш учун объект ҳолатини баҳолаш меъзонининг критик даражасини аниқлаш зарур. Маҳсулот сотишдан олинган фойда миқдори кўрсаткичи лизинг шартномаси даврига ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг учта варианты (сценарийси) учун аниқланади:

1. Қулай (объектни ривожлантиришнинг энг яхши шароитлари);
2. Ўртача (объектни мавжуд тенденцияга мувофиқ ривожлантириш);
3. Ноқулай (объектни ривожлантиришнинг ёмон шарт-шароитлари).

Қулай ва ноқулай сценарийларда олинган фойда миқдори кўрсаткичи интервали кўлами режалаштирилган вақт даврига қишлоқ хўжалиги корхонаси тўлов қобилияти соҳасини характерлайди.

Y1, Y2, Y3 орқали - қишлоқ хўжалиги корхонаси t ҳисоб-китоб йилига ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг мос равишда ноқулай, ўртача ва қулай вариантлари учун маҳсулотни реализация қилишдан олган фойда миқдори кўламини белгилаймиз.

Лизинг тўловларини қайтариш rischi даражасини **ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ноқулай варианты учун фойда миқдори ва фойданинг критик миқдори ўртасидаги фарқни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ноқулай ва ноқулай вариантыдаги фойда миқдори ўртасидаги фарқга нисбати** сифатида аниқлаш таклиф этилади:

$$R_n = (Y1Kr) / (Y2Y3) * 100\%, \text{ бунда}$$

Rn - t вақт даврида потенциал лизинг олувчининг тўлов қобилиятсиз ҳолатга ўтиш миқдори (лизинг тўловларини қайтариш rischi даражасини баҳолаш);

(Y1Kr) – ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ноқулай варианты учун фойда миқдори ва фойданинг критик миқдори ўртасидаги интервал узунлиги;

(Y_2Y_3) - ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ноқулай ва ноқулай вариантыдаги фойда миқдори ўртасидаги интервал узунлиги.

Маҳсулот сотишдан олинган фойда миқдори критик кўлами сифатида ноль даражани ($Kr = 0$) қараш таклиф этилади. Қишлоқ хўжалиги корхонаси тўлов қобилиятини баҳолашнинг критик даражаси ошиши ёки камайиши рискни баҳолашнинг “кескинлиги” даражасини тартибга солади.

Ўртача сценарий бўйича ҳисоб-китоб натижалари потенциал лизинг олувчининг энг эҳтимолли иқтисодий ҳолати баҳолаш сифатида фойдаланилади.

Лизинг тўловларини қайтариш rischi даражасини баҳолашда вужудга келадиган ҳолатларни кўриб чиқамиз:

1) Агар ҳисоб-китобнинг барча даври давомида ишлаб чиқаришнинг ноқулай шароитларида зарар кўрилмаслик кузатилса ($Y_1 > 0$, $t=1, \dots, T$), унда қишлоқ хўжалиги корхонасининг тўлов қобилиятсиз даражасига кириб келишининг озгина миқдори ҳақида ёки тўловларни қайтариш rischi мавжуд эмаслиги тўғрисида гапириш мумкин. Бундай ҳолатда лизинг лойиҳаси rischi даражаси 0 % га тенг.

2) Агар қишлоқ хўжалиги корхонаси ишлаб чиқаришнинг энг қулай шарт-шароитларида лизинг шартномасининг бутун даври давомида зарар кўрадиган бўлса ($Y_3 < 0$, $t=1, \dots, T$), унда инвестиция лойиҳаси rischi даражаси 100%га тенг. Таклиф этилган методика эҳтимоллар дарахтидан фойдаланиб риск даражасини аниқлаш доирасида амал қилади, чунки ҳодисаларнинг қулай вариант бўйича ривожланиши эҳтимоллар дарахтининг юқори шохини, ноқулай вариант бўйича эса – эҳтимоллар дарахтининг пастки шохини ўзида акс эттиради. Қулай ва ноқулай вариантларда фойда миқдори кўламлари ўртасидаги интервал қанчалик кенг бўлса, иқтисодий объект ҳолатининг унга таъсир этувчи омиллар ўзгаришига сезгирлиги шунчалик юқори бўлади.

Лизинг компанияси тўловларни қайтариш rischi даражасини баҳолаш учун қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил

этади. Маълумотларни йиққандан кейин ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг мумкин бўлган тенденцияларини учта вариант доирасида тадқиқ этади. Олинган натижалар асосида лизинг бўйича техника етказиб бериш rischi даражасини баҳолашни ўтказди. Лизинг берувчи юқори даражадаги риск миқдорига эга бўлганда лизинг объекти қийматини тўлаш графигини тартибга солиши, техника етказиб бериш режасини ўзгартириши ва риск даражасини ҳисоб-китоб қилиши мумкин.

Таклиф этилган лизинг шартномаси riskини баҳолаш методикаси лизинг муносабатларини ўрнатиш босқичида лизинг олувчиларни асосланган ҳолда танлашни амалга оширишга имкон беради ва бошланғич ва кейинги тўловларни қайтариш даражасини оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. <http://www.uzmml.uz/index.php/uz/>
2. <http://www.uzmml.uz/media/2a7d323f-6c77-a00d-7dbf-815a1a175690.pdf>
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 1999. - №21. 101-111 б.
4. Ғозибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжанов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технология, 2004, 308-б.